



МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

3-бетда

БАЙРАМНИ ҚАНДАЙ НИШОНПАМОҚЧИСИЗ?

10-бетда

ТАҚДИР ТУҲФАЛАРИГА БОЙ ЙИЛ

11-бетда

Ош ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

52 (1307)-сон 28 декабрь 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият

БАХТНИ ҲАР ПАҲЗА, ҲАР ОН БЕР, ЯНГИ ЙИЛ!

Нодир ЖОНУЗОҚ

Томиримга янги қон бер, Янги йил,
Янги фикрат, янги онг бер, Янги йил.

Гул сочиб уйғонсин сўлгин ҳисларим,
Соҳир нафасинг-ла, жон бер, Янги йил.

Илдиз отиб, палак ёздим шу юртда,
Хирмондай юксалган шон бер, Янги йил.

Кўнглим кўрч бошоқдай қувончга тўлсин,
Қўнжимга тўкилар дон бер, Янги йил.

Қай элда қорни ҳам қалби оч кас бор,
Бир парча меҳр ва нон бер, Янги йил.

Шом пардаси босган хуфтон дилларга
Кулгудан ёришган тонг бер, Янги йил.

Ой санаб, кун санаб бўлма кўп хасис,
Бахтни ҳар лаҳза, ҳар он бер, Янги йил.

Биз сенга муҳташам, гўзал ном бердик,
Сен ҳам ҳар кимга пок ном бер, Янги йил!



ШОИР БЎЛСАНГ БЎЛСИН ҚАЛБИНГ, ЭЛГА ҚУРБОН БЎЛГУЛИК...



Эрмисан эркак бўл, саналмас бутун
Бир аёлни бахтли қилмаган эркак.
"Бошимда эрим бор", деган сўз учун
Аёлни бошингга қўйишинг керак!

4-5-бетда

СОХТА "БРЕНД" ЛАР

ёхуд қалбаки маҳсулотлар қардан келяпти?



А ф с у с к и сўнги пайтда айрим ҳудудларда "Coca cola"нинг қалбакилари сотилмоқда. Бу ҳақда матбуотда кўп бора чиқишлар қилишимизга қарамай, мазкур ҳолатнинг тез-тез такрорланаётгани кишини таажжубга солади.

8-бетда

БАЙРАМОЛДИ ЯРМАРКАЛАР

"Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси маълумотларига қараганда, кейинги ўн кун оралиғида пойтахтдаги йирик бозорларда уч минг тонна атрофида картошка, қарийб 100 тонна гуруч, 370 тоннадан ортиқ пиёз сотилган. Шунингдек, 550 миллион сўмликдан зиёд мева-сабзавот, товуқ гўшти, сут, гўшт ва мева-сабзавот консервалари, қандолат маҳсулотлари, ёрмалар, балиқ ва балиқ консервалари анча арзон нархларда етказиб берилмоқда.



8-9-бетда



ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МАЙДОН ВА ХИЁБОНЛАРИДА ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимиздаги маданият ва истироҳат боғлари, майдон ва хиёбонларида Янги йил байрами тadbирлари бошланди.

Мустиқлик майдони, кўчалар, кўлаб боғлар кўзни қамаштиргучи ўйинчоқли зумрад арчалар билан безатилди.

Шайхонтоҳур туманидаги "Локомотив-Анхор" боғи ёнидаги майдонда катта байрам томошалари ташкил этилди. Бу байрам томошаларига келган аҳолининг мароқли дам олиши, болажонларнинг дилдан қувнаши учун кўпроқ қулайликлар яратишда муҳим аҳамият касб этди.

...Янги йил арафаси ўтган даврни сарҳисоб этиш, босиб ўтилган йўлни атрофлича таҳлил этиш, истиқболдаги режаларни белгилаш учун қулай имкониятдир. Поёнига етиб бораётган 2016 йил Ватанимиз истиқлолининг шонли 25 йиллиги нишонланган йил сифатида тарих саҳифаларида муҳрланиб қолади.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларида иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ислохотларнинг юксак натижалари, халқимизнинг аҳил ва ҳамжихатлиги бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар, олдга сурилаётган

эзгу ташаббуслар инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, ижтимоий барқарорликни янада ривожлантириш, тинч, файзу-баракага тўла ҳаётимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашда янги истиқболларни очиб бермоқда. Президентимиз таклифига кўра 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили", деб эълон қилиниши бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларга янги-ча мазмун ва руҳ бағишлади.

...Тинч ва осойишта, халқи бахтиёр, ҳаётдан розилик, шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғуларига лиммо-лим тўлган, истиқболи ёруғ ва саодатли юртга байрамлар ярашади. "Локомотив-Анхор" боғи ёнидаги майдонга келаётган юртдошларимизнинг барида ана шундай руҳиятнинг зоҳирлигини уларнинг ёруғ чеҳраси, юз-кўзи, болажонларнинг шўх кулгусидан илгаш мумкин. Янги йилга бағишланган тadbирларнинг юксак савияда, кўтаринки кайфиятда ўтказилишида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Тошшаҳарнур" давлат унитар корхонаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва бошқа кўлаб ташкилот ва бирлашмалар муносиб ҳисса қўшди.

Майдон марказидаги баландлиги 26 метр, айланаси 7 метрдан ортиқ гўзал арчага минглаб шар ва ўйинчоқлар, камалакранг чироқлар зеб бериб турибди. Арча "Ўзмахсусмонтажжурилиш" акциядорлик компаниясига қарашли



"Чирчиқпўлатмонтаж" масъулияти чекланган жамияти ишчиларининг меҳнати билан қад ростлади. Ён-атрофдаги прожекторлар унинг кечки пайтдаги маҳабатини тасвирлайди.

Ҳудуднинг ғоят кенг ва мўллиги кичкинтойларнинг бемалол югуриб ўйнаши, Қорбобо ва Қорқиз билан суратга тушиши, томошалардан тўлақонли баҳраманд бўлишига имкон беради. Майдондаги қўшимча арчалар, савдо шохобчалари, ўйин майдончалари байрам шукунининг янада ортишига хизмат қилмоқда. Бу ерга ўрнатилган улкан экранларда истиқлол йилларида эришилган ютуқ ва марраларини, баркамол авлод келажаги йўлидаги ғамхўрликларга оид ижтимоий видеоларҳалар, мультфильмлар намойиш этилмоқда. Ранг-баранг аргимчоқлар, аттракционлар, ўйин қурilmалари ўғил-қизлар билан тўлган. Совға-саломлар, ўйинчоқ ва ширинликлар расталаридан кўз қувнайти.


Майдондаги сахнада Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Семурғ" томошаси болажонлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Ранг-баранг концертлар, турли интеллектуал ўйинлар, қизиқarli томошалар байрамга янада шукўх бағишлайди. Улкан Қорбола, айигу тулқичалар, эртақ ва мультфильмлардаги қувноқ қаҳрамонларни ҳам айнан шу ернинг ўзида учратиш мумкин. Турли прожекторлар, ёритиш мосламалари, лазерли технологиялар, замонавий махсус бадиий эффектлар майдоннинг оқшомги кўринишига ўзгача мафтункорлик, сеҳр ва жозоба

бағишлайди. Эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни.

– Инсон омилига устувор эътибор қаратилган, фарзандлари завол билмай ўсаётган, кексалари иззат топган шундай табарруқ юртда яшаётганимдан ғоят фахрланаман, – дейди Меҳринисо Қодирова. – Невараларимни олиб, байрам томошаларига келдик. Улар дилдан яйрашди. Шеър у топишмоқларни бийрон айтиб Қорбободан совғалар олди. Бугун барчанинг тилида, дилида ягона тилак – илоҳим, тинчлигимизга, истиқлолимизга, юртимизга, дорилмон кунларимизга кўз тегмасин!

Янги йил байрамига бағишланган театрлаштирилган-муסיкий тadbирлар Хадра майдони, Юнусобод тумани Сайилгоҳ майдони, Чилонзор тумани "Алгоритм" даҳасидаги "Roison Electronics" корхонаси олди майдони, Яшнобод тумани "Авиасозлар" шаҳарчаси майдони, Мирзо Улуғбек тумани "Локомотив" боғи, Сергели тумани "Бахт диёри" гузари олдидаги майдон ҳамда Бектемир тумани "Кўёшча нури" маданият ва истироҳат боғларида ўтказилмоқда. Бу ерда "Зумрад шаҳарча сеҳргари", "Бахт калити", "Ғаройиб қуш", "Қор маликаси" ва бошқа кўлаб спектакллар билан бирга ранг-баранг муסיкий дастурлар, ўйин ва викториналар, қизиқarli сахна кўринишлари, цирк усталарининг дастури томошабинларга тақдим этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,
Отабек МИРСОАТОВ,
Темур МАМАДАМИНОВ
(сурат), ЎЗА**



Санъат турлари орасида энг қадимийси ҳам, ёши ҳам кўгирчоқ театри бўлса керак. Унинг илдизи халқимизнинг бой фольклори, урф-одатлари, удумлари, масҳарабоз ва қизиқчилар, дорбозларнинг ижодлари билан чамбарчас боғлиқ бўлса, ёш томошабинларни қамраб олганлиги билан бегуборликни ўзида мужассам этади.

Ўзбекистон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги "Гунча" кўгирчоқ халқ театри ижодий жамоаси ёш авлодни миллий анъаналарга садоқат, ўз-ўзини англаш, ростгўйлик, меҳрибонлик, саҳийлик, яхши ва ёмонни ажрата олиш, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиб келмоқда. Миллий маданиятимиз намуналарини содда ва равон тилларда бегубор қалб эгаларига туҳфа қилмоқда.

Туман марказий маданият уйи қошида кекса кўгирчоқбоз А.Хўжамқулов, ҳаваскорлар – И.Уткиров, У.Хамроев, Ў.Сиддиқоваларнинг меҳнатлари билан бунёд бўлган театр бугун чинакам маданият ошёнига айланган. Миллий кўгирчоқсозлик анъаналари асосида жонзотлар, инсонлар, табиатни жонлантириб, жажжи томошабинларни қувонтирмоқда. Театрда А.Отажоновнинг "Таваккал-

БЕГУБОР ҚАЛБЛАРГА ТУҲФАЛАР



нинг қилмиши", А.Хўжамқуловнинг "Эгри ва тўғри", Ян.Вильковскийнинг "Митти айқач", "Яхшиликка ёмонлик", Б.Абдалиев каламига мансуб "Раққоса қизалоқ", Ю.Ортиқматовнинг "Лайлаквойнинг янги талқини", Т.Юлдошевнинг "Боқи бегам" деб номланган кўлаб эртақ пьесалари сахналаштирилган. Саҳна асарлари дўстлик, меҳнатсеварлик, эпчилик ва чаққонлик сингари фазилатларнинг афзаллиги, дангасалик ва одобсизликнинг салбий жиҳатларини

тушунтириб, томошабинларни эзгуликни қадрлашга ундамоқда.

– Ҳар йили тумандаги мактаб, мактабгача таълим муассасаси ва маҳаллаларда жажжи ўғил-қизлар ҳузурда бўлиб, уларни қувонтирари, – дейди театр жамоатчи маъмури Б.Абдалиев. – Бу йил "Бобоқуёш" деб номланган янги спектакль устида иш олиб бора-япмиз. Асарда қуёш бугунги кун қаҳрамони тимсолида гавдалантирилади. Спектакль ёш авлод онгда қуёш тимсолида меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик кўрсатиш, очиқ кўнгиллик каби эзгу ғояларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Спектаклларни сахналаштиришда бош режиссёр Одинахон Раҳимова, театр артистлари – Сарварбек Эшонқулов, Зулфияхоним Ҳошимова, Нозимжон Сиддиқов меҳнат қилмоқда. Улар саъй-ҳаракатлари билан бугун "Гунча" театри нафақат вилоятда, балки республикада ҳам муваффақиятларга эришиб келмоқда.

Камола ПОЛВОНОВА

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

оилалар мустаҳкамлигида муҳим

Вояга етмаган қиз оила қўрғонининг эгаси бўлиши, унинг иқир-чиқирларини, заҳматини енга олиши осонми? Бегона уйда бегона инсонларнинг кўнглини ола билишга тайёрмикан? Нафақат оила ташвишлари, балки ўзи ҳам жисмонан вояга етмай туриб соғлом фарзандни дунёга келтира оладими?


Оилада ҳеч ким на онанинг, на боланинг ҳаётига кафил бўла олмайди, натижада ёш оиланинг барбод бўлиши, ёки она ва боланинг эрта турмушга афсуски жамиятимизда учраб туради. Майда орзу-ҳаваслар уларнинг келажига болта ураётганини ҳамма кўриб, билиб, фахмлаб туради-ю, ота-она мум тишлайди. Улар фахмламайди, дейиш нотўғри, кўпроқ ҳавас баридан устун чиқади.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов маърузаларидан бирида, қизларини ўқитмай, хунарли қилмай, оилага ҳам жисман, ҳам маънан тайёр бўлмасдан эрта турмушга узатиб, орзули қанотларини қайирган ота-онани жиноятчиға, ўз фарзандларининг хиёнаткорига қўслаган эди.

Ҳақиқатан, қизлар ҳаётга қачон тайёр бўлади. Ҳам маънавий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний масъулиятни ҳис этгандагина. Бу жараён эса атрофдагилар, яқинлар ва тенгдошлар, китоблар орқали аста-секинлик билан сингиб боради.

Қизларимизни сепли эмас, эпли ва ҳар томонлама турмуш қуришга тайёр бўлгандан кейин узатсак, тегишли адабиётлар билан уларни доимий равишда таништириб борсак, бундай китобларни уларнинг сепига солишга одатлансак, менимча, оилавий ажримлар камайишига етарли даражада эришган бўлардик. Чунки, китобни энг яхши дўст, тарбиячи, маслаҳаттўйга қўслаймиз. Унинг ўрнини на компьютер ва на бошқа замонавий технология боса олмайди.

Ҳозир шундай оилалар ҳам борки, қизлари мактабда ўқиб юрганлариданоқ уларга сарпо йўлга бошлашади, бу яхши, лекин сарполарни кўрган қизалоқнинг фикри чалғимайди, деб ким кафолат



беради? Унинг ўрнига ҳар хил бадий, илмий адабиётлар, қизларни оилага тайёрлашда яқиндан ёрдам берадиган услубий қўлланмаларни олиб келиб, оилада китобхонлик кунларини ўтказсак, улар билан ҳафтада бир бор, жила курси, бир ойда бир бор ўқиган китоблари, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлашсак нур устига нур бўлмасмиди?.. Китоблар орқали улар ҳаётнинг оғир-енгилликларини билиб, фахмлаб, шунга ўзини тайёрлаб боради.

Турмуш юқини фақат эркак тортиши керак, дегани эмас. Аёл ҳам рўзгорнинг камини тўлдирishi мумкин. Ваҳоланки, эркакнинг борини кўрсатадиган, йўлни йўндирадиган ҳам у. Аёл ҳар қандай ҳолатда жуфти ҳалол, умр йўлдош сифатида эркакларнинг кемтик жойини тўлдирувчи, оилада бахт-саодатни, осийишталикни таъминловчи зотдир.

Турмуш қуриш, оилани гард юқтирмай сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида курашиш, бу — катта жасорат. Энг муҳими, оила қуриб бахтиёр яшаш, муносиб келин бўлиш инсоннинг ўзига, қизлик уйда олган тарбиясига боғлиқ. Хуллас, келин бўлиш бахт, келинлик вазифаси ва ахлоқ-одоби эса катта маҳорат, ирода, кунт, фаросат ва меҳнат талаб этади-

ган юксак санъатдир. Келинлик даври аёлнинг кейинги умри пойдевори, деб беқорга айтилмаган.

Келиннинг дилбарлиги, ширин-сўзлиги, камтар, инсоний, чаққон ва меҳнатсеварлиги унга бахт ва тахт яратади. Унинг ўзига хос одоб, фазилатлари бор. Бу фазилатлар келин янги оиланинг сеvimли ва қадрдон фарзанди сифатида ўз ўрнини топиб кетиши учун сув ва ҳаводек зарур. Барини ўз ҳаётий тажрибасидан ўтказган бувилар, оналар, келинбилар "Чиққан қиз — чиғирқдан ташқари" гапига амал қилганидан турмуш тоши жойидан қўзғалмаган. Бу насихат ҳозирда ҳам оила, ширин турмуш қуриш орзусидаги қизга жуда асосотида. Аввало, йигит ва қизларимиз турмуш қуришдан олдин тиббий қўриқдан ўтишлари лозим. Бу ўз навбатида, оилада бўлажак фарзандларнинг соғлом туғилишига, бепуштлигининг олдини олишга ва агар йигит ёки қизда бирор бир касаллик аниқланса, ўз вақтида даволанишга имкон яратади.

Фикримизча, ёшларимизни оила илмидан бохабар этиб, улар онига турмуш маданияти сабоқларини чуқурроқ сингдирish давр талаби. Бу борада хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташки-

лоти, "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилотининг вазифалари, роли беқийсдир, чунки олий таълим муассасалари талабалари орасида ўтказиладиган барча тадбирлар маълум бир режа асосида олиб борилади.

Мақсад — ёшларни оилага тайёрлаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, муомала маданияти, одоб-ахлоқ, соғлом турмуш тарзи, турмуш маданиятини янада юксалтиришдан иборат. Турмуш маданияти деганда, фақат оила одоби эмас, балки кенг маънодаги тушунчалар назарда тутилган, яъни бу тушунчалар сирасига миллий қадриятларимизга амал қилиш ҳам кириди.

Халқда: "Келин олсанг, сиринг кўчага чиқади", деган гап ҳам бор. Сир кўчага чиқмаслиги учун келинчақ шу хонадоннинг ҳақиқий аъзосига айланмоғи зарур. Рўзгорнинг ҳамма юмушини келинга ортмоқлаб қўйиб, чекка-чеккадан турткиловчилар кўпайиб турса, ноҳақликдан безган келин, албатта, уй сирини кўчага ташийди. Тўғри, ҳеч ким меҳнатдан ўлмаган. Инсон қанча жисмоний ҳаракат қилса, шунчалик соғлом ва бақувват бўлади. Лекин шундай хонадонлар борки, гўёки келин улар учун чўри, унинг ҳеч қандай ҳуқуқи йўқдай... Шу оилада буй етган қизларнинг тақдирини нима бўлади? Бизнинг-ча, худбин, меҳрсиз, атрофдагиларга беэътибор бўлиб қолди. Чунки куш уясида кўрганини қилади.

Хулоса қилсак, келиннинг ҳар бир хизмати оила аъзолари томонидан вақти-вақти билан раббатлантирилиб турилса, келинда шу оилага, шу оила аъзоларига нисбатан меҳри янада ортади. Оила мустаҳкамланади.

Албатта, оилаларнинг мустаҳкамлиги мураккаб ижтимоий муаммодир, бу муаммоларни ўрганиш асосида соғлом турмуш тарзини шакллантириш — бош мақсадимиз.

Жўраҳон САИДХОДЖАЕВА,
Андижон давлат тиббиёт институти
доценти



Бекобод тумани Бўстон маҳалласида истиқомат қилаётган Дадабоевлар оиласининг суяги савдода қотган. Юсуфжон ака ва Хурсаной опа ҳақида барча тилларидан бол томиб гапирди.

— Қосимжон ота ва Меҳринисо ая хонадонига келин бўлиб тушганимга 36 йил тўлибди, — дейди Хурсаной опа. — Қайнона-қайнотам ҳозирги Деҳқонобод худудида оддийгина оила боши эди. Отамдан эрта ажралганман. Доим ота меҳрига интиқ яшаганман. Қарангки, бир умрлик армонинг янги тушган хонадонимда ушалди. Бағрим тўлгандек бўлди. Қайнотам тракторчи, қайнонам далада чопиқчи бўлишса-да, илмли, одамохун, элпарвар кишилар эди. Бировнинг дардига шерик эди. Ёш бўлсам ҳам, онам Шукринисо аянинг таълим-тарбиясини хўп ўрганган эканман, қийинчилик сезмадим. Аммо қайнонамдан

кўпроқ сабоқ олдим. Тўққиз фарзанднинг тўнғичига келинлик осон кечмади. Қайнука, қайинсингилларимга устоз эканимни қайнонам қўлоғимга қўйган.

Қийинчиликни кўрмай оёққа турмаган оила бўлмаса керак. Турмуш ўртоғим билан не кунлар бошимиздан ўтмади, дейсиз, сабр-қаноат билан енгдик. Яратган олти фарзанд берди. Ўғил-қизларимизни яхши тарбиялаб маълумотли қилдик. Туманда 30 йилдан ортиқ савдо ходими бўлиб, ишлаб келин олиб, қиз узатдик. Ҳозир уч келиним билан биргамиз. Юсуфжон акангизни яхши одати бор. Келин туширган куннинг эртасига уларни опа-сингилсидек асраш зарурлигини айтади.

Шу ой бошида Юсуфжон акангиз олтиш ёшга тўлди. Элга дастурхон ёзиб набираларнинг суннат тўйларини ҳам ўтказдик. Шу кунларга етказганига шукр. Доим юз-кўзларидан садоқат ва меҳр уфурган, ҳаммаша эл манфаатлари учун бел боғлаган шундай инсон билан ришта боғлаганимга шукр дейман. Маҳалла-қўйдан фалончининг келини аразлабди ёки фалончи келинини чиқиштирмабди, деган гапларни эшитсам, кўнглим огрийди.

Дарҳақиқат, Юсуфжон ака ва Хурсаной опанинг ўғли Бекзоджон ва келини Шаҳнозаҳон бугун тумандаги оилавий тадбиркор "Қосимжонов Бекзод"

МЕҲНАТНИНГ ШИРИН МЕВАСИ

Оила мактаби

аралаш моллар дўконига элга беминнат хизмат қилишмоқда.

— Аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадимиз, — дейди Бекзоджон. — Очиғи, бугуннинг талабидан келиб чиқиб фаолият юритиш мен каби тадбиркорликнинг бошини тутганларга хосдир. Ўртимизда тадбиркорлик йўналишида фаолият юритишларни шу соҳани танлашимизга туртки бўлган. Бундан мамнунимиз. Эсимда, ота-онамиз доим иш билан банд бўлишарди. Аммо биз билан суҳбатлашишга, тарбиямиз билан шуғулланишга улгуришарди. Шу боис бўлса керак, ҳаётимизни тўғри йўлга қўя олдик. Келажакда турмуш ўртоғим билан ота-онамиз каби ҳаёт кечиришга, улар босиб ўтган йўлни давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

Одамларга ўрناк бўлиш осонмас. Лекин меҳнатқаш Юсуфжон ака ва Хурсаной опанинг ҳаёт йўллари ҳар биримиз учун ўрнак.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири

ШОИР БЎЛСАНГ БЎЛСИН ҚАЛБИНГ,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 декабр куни қабул қилинган "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорини халқимиз, кенг жамоатчилик, миллатимиз зиёлилари атоқли шоиримизга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиром намунаси сифатида қабул қилмоқда.



Эркин Воҳидов ўз ижодий фаолияти давомида "Тонг нафаси", "Кўшигим сизга", "Ақл ва юрак", "Менинг юлдузим", "Ёшлик девони", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Келажакка мактуб" каби шеърлий тўпламлари, "Нидо", "Қуёш маскани", "Руҳлар исёни", "Қўхунур" каби дostonлари, "Олтин девор", "Истанбул фожиаси" сингари сахна асарлари, "Сўз латофати" бадиий рисоласи, жаҳон адабиётининг Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Гёте, Сергей Есенин каби мумтоз намояндалари меросидан қилинган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратди. Унинг турли жанрдаги ўнлаб асарлари дунёнинг кўплаб тилларига ўғирди.

Устоз ижодий меросининг бадияти ҳақида, унинг шахси тўғрисида кўп ва ҳўб ёзишган. Биз сеvimли шоиримизнинг рафиқаси Гулчеҳра ая билан унинг оиладаги ўрни, мавқеи, ота, қайнота, бобо сифатидаги фазилатлари хусусида суҳбатлашдик.

– Эркин Воҳидов ўз халқининг ардоқли шоири бўлиш билан бирга мен учун сеvimли турмуш ўртоқ, оиламизнинг устун, фарзандларимнинг ҳар ишда ибратли, меҳрибон отаси эди, – дейди Гулчеҳра ая. – У кишидан айрилганимизга етти ой бўлди. Бунга ишонгим келмайди. Аммо афсусли, бу ҳақиқат.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президентини лавозимига киришган илк кунларидаёқ Эркин Воҳидов номини абадийлаштириш, хотирлаш учун саксон йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорга имзо чеккани бизни ниҳоятда хурсанд қилди. Бу қарор нафақат оиламиз, фарзандлар, набираларимиз, яқинларимиз учун,

балки бутун Ўзбекистон халқи, шеърят ихлосмандлари, Эркин акани яхши кўрадиган инсонлар учун ҳақиқий байрамга айланди. Уша кундан бери телефон кўнгироклари, кўтловлар, йўқловларнинг кети узилмайди. Эркин Воҳидов шеърят мухлислари қалбида ўлмас ва ўчмас сиймога айланган. Бугун ўзбек халқи Эркин Воҳидов шеърятини ва шахсига меҳрини баралла ифодаламоқда. Эркин ака қалами, шеърлари билан ўз халқига меҳр-муҳаббати, садоқатини кўрсатган эди. Шу кунларда бу меҳр-муҳаббат исзис кетмаганига амин бўляпмиз. Фақат бир армоним – шундай чиройли, улуғ кунларни ўзи кўролмади.

– Устознинг "Одамлар, Сиз менинг ҳаётим, Ҳар бирингиз умрим парчаси..." деган сатрлари у кишининг инсонларга нечоғли муҳаббатли бўлганидан далолат. Шундай эмасми?

– Инсонларни, мухлисларини жуда яхши кўрарди. Ниҳоятда одамохун, меҳри бисёр, қалби кенг инсон эди, раҳматли. Бошимиздан, бошидан кўп савдолар, қора кунлар ўтди. Мен биридан хабар топган бўлсам, ўнтасини ичига ютиб, ўтказиб юборган. Бир шеърда "Ойнинг ўн беши қоронгу, ўн беши ёғду билан" деганидек, ойимизнинг қоронгу кунларида ҳам атрофдагиларга муносабати ҳеч ўзгармади. Аспиди, ҳақиқий шоир, ижодкор инсонпарвар бўлади. "Ким мен ҳақимда нима деяпти, нима ўйлаяпти", деган майда гап-сўзлардан баланд бўлади. Эркин ака ҳар қандай ҳолатда ҳам лабида табассум, чеҳраси очик юрарди. Бошига оғир кунлар тушганида Эркин акадан юз ўгирганлар, "Эркин Воҳидовдан узоқроқ юриш керак", деб ўзини олиб қочганлар, кўча-кўйда кўриб қолганида танимаганга олиб кетганлар бўлган. Аммо шунда ҳам шоир уллардан хафа бўлган эмас ва шу феъли билан иккиюзламачи инсонларни уялтирган.

– Устоз Эркин Воҳидов оилада қандай эр, қандай ота эди?

– У киши ҳақиқий устоз эди. Ҳар жиҳатдан мухлисларига ибрат бўладиган устоз эди. Оилавий муносабатларда ҳам эркакларнинг, эрлар, оталарнинг устози бўлган! Эркин ака ниҳоятда оилапарвар эди. Болаларини жонидан ортиқ яхши кўрарди. Ишхонадан, кўчадан ортиқча гап-сўз, дилхираликларни олиб келмасди. Кайфиятидаги ўзгаришни сезиб "Адаси, тинчликми?" деб сўраганимда "Чарчадим шекилли" деб кўя қоларди. Ҳеч қачон уйга ёмон кайфият билан кириб келиб, болаларни силтаб-жеркиб, мен-

га бақирган эмас. Ҳозир ҳам фарзандларим "Она, отам билан ҳеч тортишганмисизлар? Ҳеч қачон сизларни уришганларингизни, бирингизнинг гапингиз иккинчигизга тўғри келмаганини кўрмаганмиз", деб сўрашади. Ҳамма оилада, ҳар қандай зиёли, тарбияли оилада ҳам уриш-жанжал, тортишув бўлади. Икки кўтб инсонлари — эр-хотинларнинг ҳар бирининг ўз ҳақиқати, ўз ақли бўлади. Бизда ҳам ўзаро гапимиз қовушмаган, тортишган пайтларимиз бўлган. Лекин ҳеч қачон болаларимизнинг олдида жанжаллашмаганмиз. Ўрни келганда, менинг жаҳлим чиққанда адаси, улар қайнаб турганида мен пастга тушганмиз. Боланинг кўз олдида ота-оналарнинг уришиши, бир-бирига овозини баландлатишни қоралайман. Биринчидан, болаларнинг кўнгли ўқийди. Отасидан безиб қолади. Иккинчидан, боласининг кўзи олдида талашшаётган ота-она фарзандига оила ҳақида қандай тарбия бера олади? Инсон сўзи билан эмас, амали билан ибрат бўлиши керак. Эркин ака тез-тез оилавий саёҳатларни ташкиллаштириб турарди. Ҳатто айрим сабабларга кўра, уйда ўтириб қолганида ҳам бизни табиат кўйига олиб чиқарди. Мен болалар билан дам олардим, у киши эса бир хилват жой топиб ижод қиларди.

– Муस्ताқкам ва бахтли оила қуришда масъулият кўпроқ кимга боғлиқ, аёлгами ёки эркакками?

– "Қарс икки кўлдан чиқади" деган гап бор. Яхши эр ёки яхши хотин бўлиш фақат бир томонга боғлиқ эмас. Эркакни яхши эрга, ибратли отага



айлантириш, оилани муस्ताқкамлаш аёлга боғлиқ. Демак, бу борада эркакка нисбатан аёлнинг масъулияти кўпроқ бўлади. Мукамал бехт ва оила муस्ताқкамлигига эришиш учун қимдир ўзидан, орзуларидан кечиши керак. Мен ҳам журналистика факультетини тамомлаганман. Лекин оилам, турмуш ўртоғим, фарзандларим учун ўзимни оилага бахшида қилганман. Эркакнинг шуҳрати,

Доно БОБОХОНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

– 2016 йил қувончларга бой йил бўлди. Яратганга минг шукрлар бўлсинки, бу йил эвара кўриш бахтига ҳам муяссар бўлдим. Набираларимдан бири ўғил, иккинчиси қиз фарзандли бўлди. Инсон қачон бахтли бўлади? Оиласи тинч, фарзандлари соғ-саломат бўлса... Қолаверса, Ўзбекистондек жаннатонанд юрдада яшашнинг, ўзбек халқидек бағрикенг, танти, санъатсевар халқнинг дуосини олишининг ўзи катта бахт.

Мана 40 йилдики, Ўзбек миллий драма театрида ижод қилиб келаман. Ўзим талқин этган образларим билан бирга яшаб, улар дардини томошабинга етказиб беришга интилдим. Шу пайтга қадар ўйнаган катта-кичик ролларимга устозларимнинг меҳнати синган. Улардан ўрганганларимни бугун шогирдларимга ўргатайман. Чунки бу муқаддас даргоҳнинг сахнасига чиқиб, устозларим ўғитларига амал қилганим, ҳақиқий бахтни меҳнатда деб билганим учун бугун озми, кўпми ўз мухлисларимга эгаман.

Санъаткорга увонни дастлаб халқ беради. Олис туман ёки қишлоқларга борганимизда одамларнинг кўзида порлаган меҳрни кўриш мен учун энг катта бахт. Бу меҳр ҳар қандай санъаткорни янада баракалироқ ижодга ундайди. 2016 йилда театримиз репертуари ҳозирги давр руҳига мос асарлар билан бойиди. Шуҳрат Ризаев асари асосида саҳналаштирилган "Эзгулик йўлида" спектаклида Хатира фаррош, таниқли драматург Брехт асари асосида яратилган "Қураш момо" спектаклида Момо, Стефан Цвейгининг "Аёллар умрининг йигирма тўрт соати" асарида Аёл, Теннесс Уильямснинг "Шишали ҳайвонот боғи" асарида Аманда ролларини ўйнади.

Бу йил 70 ёшни қаршиладим. Янги йил оstonасида туриб чин дилдан айтаманки, бундан кейин Аллоҳ қанча умр берса, барчасини халқимга, санъатга бағишлайман. 2017 йилдан умидларим катта. Янги йил барча юртдошларимизга бахт ва омад олиб келсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



Латофат ТОШЕВА, ҳаваскор ижодкор, 2-гурӯх ногирони, Қашқадарё вилояти:

– 2016 йил мен учун жуда хайрли, меҳнатталаб йил бўлди, десам муболага эмас. Бу йили ўз устимда ишладим. Бадиий адабиёт ва санъат бўйича амалий изланишлар олиб бордим ва булар нашриётларда, газета ҳамда журналларда, ойна жаҳонда, турли ижтимоий сайтларда ўз аксини топапти. Яқинда ижод намуналарим шеърлий тўплам ҳолида чоп қилиниши кутилмоқда. Йил мобайнида кўплаб таниқли ижодкорлар билан танишдим. Катта-катта устоз шоирлар суҳбатини, маслаҳатлари ва дуоларини олдим. Қолаверса, бу соҳа йўлида кўп дўстлар орттирдим. Ўз ижод намуналаримизни бир-биримиз билан ўртоқлашдик. Бу ижодий масалалар билан чекланиб қолмай, саломатлигимни тиклашга ҳам алоҳида эътибор қаратдим. Яъни, даволанишда дори-дармон муолажаларидан ташқари, жисмоний, руҳий ва ақлий машқлар билан ҳам қаттиқ шуғулландим.

2017 йилда Худо хоҳласа, мазкур йилда қилган ҳаракатларимни 2-3 баробарга қучайтиришни режалаштиряйман. Режамада олий маълумотга эга бўлиш, камида 4 та тилни ўзлаштириш, чет элларда соғлигимни тиклаб келиш, ўзим мустақил ўз ҳаёт йўлимни, ўз ақлим, ўз кучим, ўз ҳаракатим билан топиш ҳам ўрин эгаллаган. Албатта, бу ҳаракатимнинг ижобати учун биринчи ўринда Яратганининг кўмаги ва ижобати, қолаверса, азиз ота-онамнинг дуолари зарурдир.



Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига

ЭЛГА ҚУРБОН БЎЛГУЛИК...

мартабаси ошса, аёл учун “Фалончининг рафиқаси” деган эътирофнинг ўзи етарли, деб ўйлайман. Мен ана шу шioriн маҳкам тутганман. Тўрт фарзандни дунёга келтирдик. Мана шу уйни ўзимиз қурдик. Ойлик маош, ўз меҳнатимиз билан ўн йил деганда қурганмиз уйимизни. Менга Эркин ака билан бирга ишлаган аёллар “Қандай яхши инсон, зўр эр билан яшагансиз-а?”, дейишади. Уларга “Ўша эракни зўр қилиб уйдан чиқариб юборган мен бўламан”, деб ҳазиллашаман. Турмуш ўртоғим шоир, ижодкор – кўнгли нозик. Менда ҳам ўрни келганда кўнгли нозиклиги, инжиқлик бор эди. Лекин мен ўзимдаги бу хислатни вақтида йўқотишга, ўзимдан кечиб, эримга, оиламга фидо бўлишга эришолдим. Эркин ака ўтириб олиб бола тарбиялади, деёлмайман. Кўп вақтлари сафарларда, ижодда ўтди. Баъзан болаларимизга ҳазиллашиб: “Э, сен олтинчида ўқирдинг-ку, дарров институтни битирдингми?”, деган пайтлари ҳам бўлган.

– “Ўзбегим” қасидаси учун Эркин Воҳидовга кўп таъйиқ ва чекловлар бўлган, деб эшитганмиз. Ўша кезлардаги моддий-маънавий қийинчиликларни қандай енгиб ўтгансизлар?

– “Ўзбегим” қасидасининг тарихи ҳаммани қизиқтиради. Одамлар бу қасида билан боғлиқ кўп миш-мишлар, гап-сўзларни тўқиб чиқаришган. “Ўзбегим”ни ёзгани учун Эркин Воҳидовни олиб кетишибди, ишдан ҳайдашибди, ҳеч қаерга ишга олишмас эмиш” деган гаплар чиқиб кетган. Аслида, бундай бўлмаган. “Ўзбегим” қасидаси атрофидаги гап-сўзларнинг кўпи ёлгон, асоссиз миш-мишдан бошқа нарса эмас. Қасида ёзилган пайтлар ўша давр раҳбарияти томонидан “Шеърингизга коммунистлар партиясини, СССРнинг бизга меҳрибонлигини ҳам қўшиб ёсангиз, яна ҳам яхши чиқарди”, деган гаплар бўлган. Лекин қасида шундай мукамал, чиройли ёзилганки, уларнинг талабини “Ўзбегим”га ёпиштиришнинг ҳождати ҳам, кераги ҳам йўқ эди. Бу орада Эркин ака ўзини одамлардан четга тортди. У кишидан ҳам ўзини четга тортганлар бўлди. Чунки “Ўзбегим” атрофидаги гап-сўзлар Эркин ака билан апоқ-чапоқ бўлиб юрганларни ҳам чўчитиб қўйди ва шоир билан яқин муносабатда бўлиш гўёки улар учун хавfli эди. Вақт ўтиб, давр ўзгариб, “Ўзбегим” қасидаси айтилмаган тўй, давра, тантана қолмади. Бу қасида инсонларнинг юрак тўридан жой олди ва Эркин аканинг боши устидаги қора булутлар ҳам таркади. Ундан кейин “Инсон” қасидаси ёзилди. “Инсон” да ҳам жуда мураккаб сатрлар, залвори оғир сўзлар бор. Бу қасидани ўқиганлар ҳам “Қандай қилиб шундай гапларни ёзди экан? Эркин Воҳидов олтимиш-етмиш ёшлардаги шерюрак инсон экан-да”, деб ўйлаган мухлислар ҳам бўлган. Ваҳоланки, бу иккала қасида ёзилган пайтлари Эркин ака 30-35 ёшларда эди. Ўша кезларда Гафур Ғулом нашриётида ишларди.

4 Нашриётда адолат билан иш тутишга, фақат

ўқишли китобларни нашр эттириб, маъно-мазмунли саёз китобларни четга сурмоқчи бўлганида жамоага у кишининг фикрлари маъқул бўлмаган. Шунинг учун нашриётдан ўз хоҳиши билан бўшаб кетган. Мен у пайтларда бу гаплардан беҳабар эдим, чунки айтганимдай Эркин ака гап-сўз орқалаб келмасди.



Нашриётдан бўшаганидан кейин одамларнинг назарида “Эркин Воҳидов ишсиз қолди, ҳеч қаерга ишга олишмайди” деган гаплар кўпайган. Аслида, улар ишсиз ҳам қолмаганди, пулга зориқиб, ночор қолган пайтимиз ҳам бўлмаган. Айнан ўша йиллари “Олтин девор”ни ёзганди. Асар саҳналаштирилиб, аншла даражасига чиққанди. Албатта “Олтин девор” учун яхшигина ҳақ олинган. Қолаверса, ғазаллар ёзарди. Гонорарлар келиб турарди, унақа ночор, моддий қийинчиликка йўлиқиб бошлари қотиб ўтирмаган. Оилани, фарзандларимизни жуда яхши таъминлаган. “Мен шоирман, ижод қилишим керак”, деб тирикчиликни унутиб, ё масъулият, вазифаларидан узоқлашган инсон эмас. Айнан ўша даврларда бироз дам олди-ю, Гётенинг “Фауст”ини ўргана бошлади. Ўша кезлардаги руҳий ҳолатига “Фауст”даги руҳий мос тушди, шекилли, жуда берилиб кетди бу асарга. “Фауст”нинг асл нусхаларини кўриш учун Германияга сафар қилди. Шу орада немис тилини ўрганишга ҳаракат қилди. Гётенинг бошқа асарларини ҳам кўп ўқиди. Хуллас, Гёте ижоди борасида ўзига яхшигина замин ҳозирлаб, сўнг иштиёк билан “Фауст”нинг таржимасига киришди. “Фауст”ни ўқиб-ўрганиш, Гётенинг асарлари билан танишиш ва таржимага беш йил вақт кетди. “Мен таржима қиламан, сиз машинкада териб берсангиз, менга катта ёрдам қилган бўласиз”, деб мени ҳам қизиқтирди. Худди ишга келгандек, эрталаб болаларни мактаб-боччасига жўнатиб, рўзгор ишларини саранжомлаб, соат тўққиздан машинкада “Фауст” таржимасининг кўлёмасини кўчирардим.

5 – Гулчеҳра опа, Эркин Воҳидов келин

ёки куёв танлашда нималарга аҳамият берган?

– Албатта бўлажак куёвларни ҳам, келинимизни ҳам зиёли, илмли, маънавиятига аҳамият берган. Куёвларни қиларни сўраб келаётган совчилар орасидан ўзлари танлаб, қиз узаган. Келин танлашга келганда менга: “Келинни сиз танлай қолинг. Келин қайнонага ёқса, турмуши силлиқ кечади”, деб ҳазил-хузул қиларди. Умуман олганда, қудаларимизни ўз оиламизга муносиб бўлгани учун танлаган. Шукр, ҳозир фарзандларим уйли-жойли, тинч. Дадаси вафотидан бир ой ўтиб, эварали бўлди. Эварамизни кўрганлар: “Эркин Воҳидов тирилиб, чақалоқ бўлиб қайтганлар”, дейди. Неваранингни ўгли бобосига қуйиб қўйгандай ўхшайди. Ўғлимиз Хуршидjonнинг рафиқаси — келинимдан бениҳоя розиман. Қайнотаси ҳам келинимиздан рози бўлиб кетди. Ўз отасидан ортиқ меҳр курсатиб, парвариш қилди.

– Шоирнинг рафиқаси бўлишнинг бахти ва бахтсизлиги нимада?

– Эркин аканинг ҳар бир сатрида ўзини кўрганман. Тўғри, шоир гўзалликдан баҳра олишга, муҳаббат қўйишга ҳақли. Аммо Эркин ака аёлларни ҳурмат қиларди.

**Эрмисан эрак бўл, саналмас бутун
 Бир аёлни бахтли қилмаган эрак.
 “Бошимда эрим бор”, деган сўз учун
 Аёлни бошинга қўйишнинг керак!**

Бу сатрларига Эркин аканингни ўзлари бир умр амал қилиб яшади.

– Шоирга аёли уйда ижодий муҳит, шароит яратиб бериши керакми?

– Албатта! Шоир, ёзувчининг аёли қачон бахтли бўлади, қачонки, эри ўз ишини, вазифасини хотиржам бажаролганида. Бунинг учун оилада ижодий муҳит, шароит бўлиши керак.


– Ҳаётингиздан мамнун эканингни сезиш қийин эмас...

– Албатта, қизим, албатта ҳаётимдан, шундай инсон билан тақдир-насибам қўшилганидан мамнунман! Бахтли яшадим. Бахтли яшадик. Бошимиздан ҳар хил кунлар ўтди, чидадик, сабр қилдик, эндики. Бировга шикоят қилмадик. Қувончимиз ҳаммага аён, изтиробимиз эса ҳатто бир-биримиздан пинҳон эди. Эркин аканингни биринчи ўқувчиси мен эдим. Ёзган нарсаларини менга кўрсатар эди. “Онаси, бир ўқиб кўринг-чи?” деганингни ўзи мен учун бахт эди. Армон қилсам, гуноҳ бўлар, дейман. Қадрланиб, эъзозлана яшадим. Лекин шундай кунларни шоирнинг ўзи кўрмаганидан афсусдаман. Ҳали кўпроқ яшашлари керак эдим, деб ўйлайман. Аллоҳнинг изни экан, бу кунларни уларсиз нишонлаялман. Аммо розиман, бениҳоя розиман, дадасидан...

6 “Оила ва жамият” муҳбири Умида АДIZОВА суҳбатлашди.

Элёр НОСИРОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

– Мана 2016 йил ҳам тарих саҳифаларига муҳрланиб, 2017 йил эшик қоқмоқда. Ўтган йилни бир сарҳисоб қилиб кўрадиган бўлсак, ундан олдинги йилларга қараганда анча баракали ва сермазмун бўлди. Буни ижодий жараён билан боғлиқ мисолларда айтиш мумкин. Авваламбор ижод қилиш учун барча шарт-шароит яратилган шундай юрда яшаётганимга шукрона айтаман. Бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. Аслида, халқимиз санъатсевар халқ. Энг аввало, тинчликка, хотиржамликка ва шу осойишта ҳаётни таъминлаб турган раҳбарларимизга минг раҳмат. Ахир, тинч ва фаровон юртгагина байрам, тўю томоша ярашади. Биз санъат аҳли ана шунда юртдошларимизга сидқидилдан хизмат қилишга ва уларнинг армонларини юзага чиқаришга ҳаракат қиламиз. Ўтаётган йил менинги ижодимда анча баракали бўлди, драматург Шўҳрат Қаҳҳор асарига асосида саҳналаштирилган “Илҳақ” спектаклида Латиф бобо ролини ижро этдим. Ҳаётий тажрибам, қолаверса, босиб ўтган умр йўлларимиз ҳам бу образ билан ўхшаш. Қолган баҳонани томошабинлар беришади. Бундан ташқари, бир неча хусусий фильмларда суратга тушдим. Соҳам асосан дубляж санъати бўлгани учун мазкур йилнинг ўзида 100 га яқин фильмларга овоз бердим. Ҳаёт ўз узанида давом этмоқда. Биз эса шиддат билан ўтиб бораётган умр қарвонининг турли чорраҳаларида гоҳо тез, гоҳо секин ҳаракат билан кўзлаган манзиларимиз сари оидмалаб боряпмиз. Қайси соҳа эгаси бўлишимиз қатъий назар, бугун янги-янги ютуқларни кўлга киритаётган ёшларимиз ва барча юртдошларимизга ўз олдига қўйган мақсади томон дадил интилишининг тилакдошиман. Янги йилда янги орзулар, эзгу режалар барчамизга ҳамроҳ бўлсин.



Улугбек ҲАМДАМ, ёзувчи:

– 2016 йилда менинги иш ҳаётимда жиддий ўзгариш бўлди: Янги очилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига Жаҳон адабиёти кафедраси мудири бўлиб ишга келдим. Дарс бериб, яна талабалар билан ишлаш бошладим. Бунинг алоҳида бир завқи бор, ўзига яраша машаққатлари ҳам. Янги жамоада янги инсонлар билан танишдим. Ўтиб бораётган йилда кўп нарса ёздим, деёлмайман. Бунинг сабаби янги иш жойидаги иш кўлами ва мазмуни билан боғлиқ бўлиб, ўзимни янги жойга тайёрлашим, фан дастурини янгиллашим билан боғлиқ эди. Шунга қарамай, бир неча китобларимни қайта, иккитасини эса илк марта нашрга тайёрлаб, нашриётларга топширдим. Бир қанча шеърлар, мақолалар ёздим, радио, телевидение, газета ва журналларда ҳар хил мазмундаги чиқишлар қилдим.

Янги йилда кўпчилик қатори менинги ҳам янги режаларим, ният ва орзуларим бор. Уларнинг ҳаммаси амалга ошин, дейман, энг муҳимлари, ўзим учун, жамият учун кераклилари рўёбга чиқса, шунинг ўзи мен учун катта ютуқ, катта натижа. Шулардан бири, қарийб 20 йилдан бери ёзиб тайёрлаганим диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилиб олиш, бир неча йилдан бери тугатолмаётган романимга сўнги нуқтани қўйиш, нашриётларга топширган китобларим юзини ва йўлларининг очиб бўлишини кўриш, дарслик ва қўлланмаларни яқунлаб нашриётга топшириш, яна талай яхши шеърлар, мақолалар битишни истайман. Энг муҳими, янги йилда танимиз соғ, руҳимиз тетик, юртимиз тинч, осмонимиз тоза, дастурхонимиз тўкин, бозорларимиз арзон бўлсин! Халқимиз эса дунёдаги энг кўп китоб ўқийдиган халқлардан бирига айлانسин! Зеро, муқаддас китобимизда ўқтирилганидек, билган билан билмаган ҳеч қачон тенг бўлмайди! Мутлолаа бизни айнан билиш сари етаклайди! Билган эса кучли бўлади.





ПРОТЕКА BANK

*«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси
номидан барчангизни кириб
келаётган
янги 2017 йил билан самимий
муборакбод этамиз!
Сизга ва оила аъзоларингизга
сиҳат-саломатлик, тинчлик-
хотиржамлик,
барака тилаб қоламиз.
2017 йил давомида Сизга янги
ютуқлар, улкан зафарлар,
фақат хушхабарлар ва
хурсандчиликлар ҳамроҳ бўлсин.
Юртимиз осмони
ҳамиша мусаффо бўлсин.*

ЧИНОЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни
2017 йил – “Халқ билан
мулоқот ва инсон манфаатла-
ри йили” билан самимий
МУБОРАКБОД этади!*

*Сизларга мустаҳкам
соғлик, хонадонингиз-
га тўкинлик, дастур-
хонингизга қут-барака
тилаймиз.*

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

NUGA BEST

Товары сертифицированы. Услуги лицензированы.

ХАЛҚАРО СЕНСАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОНДА!

Энди уй шароитида ўзингизни ва оила
аъзоларингизни барча касалликлардан,
шу жумладан:

- юрак – қон-томир;
- умуртқа;
- саратон;

• қанд диабетидан профилактика қилишингиз
ёки даъволанишингиз мумкин!

**БУНДА КИММАТБАХО ТУРМАЛИН —
«ҚУВВАТ ТОШИ» ЁРДАМ БЕРАДИ!**

Тошкент ш., Чилонзор 12-маҳалла, Ширин кўч., 54-А уй

Иловада! Республикада болаларнинг юртида!

Тел.: (+998 98) 362 19 99; (+998 94) 69 69 888

www.nuga.best; www.nugabest.uz

e-mail: davronova@mail.ru

ЯНГИЛИК!!!



«NUGA BEST» КОМПАНИЯСИ НИНГ

*Ўзбекистондаги расмий вакили кириб
келаётган Янги 2017 йил билан қутлайди.
Барчага сиҳат-саломатлик, ишларида
муваффақият тилайди.*

*Ватанимиз осмони мусаффо бўлсин! Сиз-
ларни ҳамisha омад тарк этмасин!*

СОҒ`ЛИК, МУНАВВАТ, ХИЗМАТ

СОХТА "БРЕНД"ЛАР

ёхуд қалбаки маҳсулотлар қаердан келяпти?

Оғриқли нуқта

"Кеб қолинг, зўрларидан бор. Опа, келинг, бир кўринг, кўрганга пул олмайман-ку. Э-э, бунга қараманг. Сифати яхши эмас. Бу ўзимизнинг частний фирмаларда ишлаб чиқарилган. Мана буни кўринг. Янги келди. Сифатига жавоб. Адашманг, дейман-да, опа. Нархи дейсизми? Э-э олаверинг, сизга келиштириб бераман..."

Ёйма бозорлардаги бақироқлар киши эътиборини тортмай кўймайди. Томоқ йиртиб тортолмас, кўлингиздан тортқилаб эътиборингизни тортади. Кийим-кечак дейсизми, ماشий техниками, озиқ-овқат маҳсулотларими – хоҳишингизга қараб исталган "фирма"ни киши топиб беришади. Айниқда, янги йил байрами арафасида ёймачиларнинг иши беш деяверинг...

Декабрь охирига бориб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб икки-уч баравар ошиб кетади. Жумладан, турли ичимликларга ҳам. Бунақа пайтда бозорларимизда, "Sprite", "Fanta" каби ичимликлар супермаркетлардагидан анча арзон нархда сотила бошлайди. Учар сотувчилар "бу байрам чегирмаси", дея харидорларни чалғитмоқчи бўладилар. Аслида айрим кўштирноқ ичидида "тадбиркор"лар йирик компаниялар ёрлиги остида қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқаришини, баъзи бир уддабуронлар эса уларнинг сотувини йўлга қўйишни кўпчилигимиз тушуниб қолганмиз. Бу ерда тушунарсиз бир нарса бор у ҳам бўлса қалбаки маҳсулотлар бозорларимизга қандай кириб келаётгани. Ахир бозор маъмуриятининг, мутасадди идораларнинг рухсатисиз бозор ҳудудида писта ҳам сотиб бўлмаслигини барчамиз яхши биламиз-ку. Майли, гап бунда эмас. Гап ўша қалбаки маҳсулотларни сотиб олаётган, уни фарзандларига едириб-ичираётган юрдошларимизнинг саломатлигига.

Кеч бўлиб қолган бўлса-да, дугонамни туғилган куни билан табриклаш учун уйига кирдим. Ота-онам хавотирланишини, қололмаслигини айтиб узр сўрадим, – дейди Ханифа Омонуллаева деган харидор киз биз билан суҳбатда. – Дугонам ҳар қанча қистамасин кетишга чоғландим. Шунда даврадагилардан бири ҳеч бўлмаса табрик сўзи айтиб келинг, – деди. Қўлимга тутқазилган "кола" солинган бокал билан (шу одатимизни умуман ёқтирмайман) дугонамга тилак билдирдим. Ичдим.



Уйга етгунимча кўнглим беҳузур бўлиб ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Аҳволим оғирлашгач, "тез ёрдам" чақирдик. Шифохонага олиб кетишди. У ерда "Coca cola" ичимлигидан захарланганимни, бугун бозорларимизда унинг қалбакилари кўплигини айтишди. Болалигимдан бу ичимликни яхши кўраман, бироқ энди чўчиб қолдим. Ҳақиқийсидан қалбакисини қандай ажратиш мумкинлигини билмайман.

Алишер МИРЗААЛИМОВ, "СОСА СОЛА" ичимлиги Ўзбекистон LTD компанияси ишлаб чиқариш бўлими менеждери:

– Яқинда Германиянинг "Van der Molen" ҳамда "KRONES" компаниялари билан ҳамкорликда "Coca Cola" заводида энг сўнги технологиялар асосида сувни тозаловчи янги линиялар ўрнатилди. "KRONES" компанияси билан янги онлайн режимда ишлайдиган линия ишга тушурилиш арафасида турибди. Бу линия тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатини онлайн назорат қилиш имконини беради. Маҳсулот сифатида озгина ўзгариш бўлса, линия автоматик тарзда тўхтайди. Афсуски сўнги пайтда айрим ҳудудларда "Coca Cola"нинг қалбакилари сотилмоқда. Бу ҳақда матбуотда кўп бора чиқишлар қилишимизга қарамай, мазкур ҳолатнинг тез-тез такрорланаётгани кишини таажубга солади. Боз устига қалбаки маҳсулотдан захарланиш ҳолатлари учраб турибди. Янги йил байрами арафасида турли ичимликларга, шарбатларга талаб ортиши шубҳасиз. Харидор хушёрлигини унутса, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар савдоси юришаверади. Гарчи ҳақиқий ва қалбаки маҳсулотни фарқлаш бўйича зарурий маълумотларни матбуот ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бораётган бўлса-да, яна байрам арафасида бу ҳақда эслатиб ўтишни жоиз топдик.

– Қалбаки маҳсулот ўрами, яъни термолёнка идиш кўрбала усулда

ясалгани боис ранги хирарок бўлади; – маҳсулот қадоғидаги кодировкага эътибор беринг. Олтита-си бирлаштирилиб қадоқланган ўрамдаги барча маҳсулотларнинг кодировкаси бир хил бўлиши керак. Улар турли саналарда чиққан бўлса, демак қалбаки;

– ичимлик қопқоғига қаранг. Ҳақиқийсининг қопқоғи ва назорат халқаси ораси очиқ, исзис қавшарланган бўлади. Қалбаки маҳсулот қопқоғида эса қопқоқ ва назорат халқаси бирлашиб кетади;

– қалбаки ва сифатли ичимликнинг оғирлигини ўлчаб ҳам буни аниқлаш мумкин. Қалбаки ичимликларни тайёрлашда технология бузилгани боис маҳсулот зичлиги нормадагидан паст бўлади. Одатда, 1,5 литрлик идишдаги ҳақиқий ичимликнинг тараси билан биргаликдаги оғирлиги 1607 граммни ташкил этади. Қалбаки шундай маҳсулот эса бир оз енгил, ўртача 1520 грамм атрофида бўлади.

Нодирбек ЮСУПОВ, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси расиси ўринбосари, ижрочи директори:

– "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасида товарнинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек, истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкнинг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, усқуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи)

томонидан қопланиши лозим. Бунга кўра, сотувчи билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товарнинг нуқсонини туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги қайд этиб ўтилган.

Федерациямизга бу борада кўплаб мурожаатлар бўлади. Жорий йилда истеъмолга яроқсиз, сифатсиз ва нуқсонли товарлар савдоси билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар аниқланди.

Қамариддин БОҚИЕВ, Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими бошлиғи:

– Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Республика бўйича жами 291 тонна сифати ва хавфсизлиги кафолатланмаган, истеъмол муддати ўтган салқин ичимликлар аниқланди, ўрнатилган тартибда йўқ қилинди. Бу каби ичимликларни инсон истеъмол қилиши оқибатида организмда ошқозон, ичак фаолияти бузилиши, бундан ташқари, овқатдан захарланиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Шунинг учун ҳам савдога чиқарилаётган салқин ичимликлар халқроқ талаблар асосида ишлаб чиқарилиши, белгиланган савдо нуқталарида, истеъмол муддатлари ҳамда сақлаш шароитларига риоя этган ҳолатда сотилиши ўта муҳим. Истеъмолчилар салқин ичимликларни харид қилаётганларида аввало, ичимлик талабларга риоя этилган ҳолатда сотилаётгани, хавфсизлигини кафолатловчи ҳужжати мавжудлиги, турғун савдо шаҳобчаларида сотилаётгани ҳамда яроқлилик муддатига эътибор беришлари лозим. Салқин ичимлик мўътадил хонада, кўёш нуридан ҳоли жойда, ҳаво ҳарорати ва намлиги талаб этилган даражага тўғри келган ҳолатда сақланиши керак.

Нархи ёхуд жилосига алданиб, сифатини билмаган ҳолда истеъмол қилинган салқин ичимлик инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Харид қилаётган маҳсулотнингизда қалбакилик белгиларини сезган заҳотингиз, ўзингиз яшайдиган ҳудуднинг тегизиш идораларига мурожаат қилсангиз, бу билан қалбаки маҳсулот ишлаб чиқарилишининг олдини олибгина қолмай, балки одамларнинг соғлигини сақлаб қолишга ҳисса қўшган бўласиз.

Ширинхон МҮМИНОВА, "Оила ва жамият" муҳбири

Янги йил байрами арафасида "Ўзбек-озиковқатзахира" уюшмаси тизимидаги савдо-тайёрлов корхоналари томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 80 дан ортиқ, жумладан, Тошкент шаҳридаги "Авиасозлар", "Наврўз", "Фарҳод", "Олой" ва "Сирғали" деҳқон бозорларида байрамолди ярмаркалари ташкил этилган.

"PARRANDASANOAT" UYUSHMASI TIZIMIDAGI ARZONLASHTIRILGAN TUXUM MAHSULOTLARI



"Ўзбек-озиковқатзахира" уюшмаси маълумотларига қараганда, кейинги ўн кун оралиғида пойтахтдаги йирик бозорларда уч минг тонна атрофида картошка, қарийб 100 тонна гурuch, 370 тоннадан ортиқ пиёз сотилган. Шунингдек, 550 миллион сўмликдан зиёд мева-сабзавот, товуқ гўшти, суг, гўшт ва мева-сабзавот консервалари, қандолат маҳсулотлари, ёрмалар, балиқ ва балиқ консервалари анча арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Қиш-баҳор ойларида ички истеъмол бозорига босқичма-босқич етказиб бериш мақсадида 660 минг тоннадан зиёд асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирага жамғарилган. Жумладан, уюшма тизимидаги савдо-тайёрлов корхоналари омборларига 100

минг тоннадан зиёд маҳсулот ғамланган. Қарийб 27 минг тонна картошка, 16 минг тонна пиёз, 12 минг 600 тонна сабзи, салкам 11 минг тонна мева, 5 минг тоннадан зиёд полиз, 22 минг тоннадан ортиқ гурuch ва дуккакли маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Умида ИЛҲОМОВА, "Izzat" ферма хўжалиғи сотувчиси:

– "Эски жўва" деҳқон бозори акционерлик жамияти ташаббуси билан байрамолди ярмаркалари ташкил этилиб, бунда биз ҳам ўз маҳсулотларимиз билан иштирок этмоқдамиз. Биз сметана, қаймоқ, творог, йогурт, бринза каби маҳсулотларимизни арзонлаштирилган нархда нақд ҳамда терминал орқали сотаяпмиз. Бундан мақсад, аҳолига енгиллик яратиш, халқимиз учун қўлимиздан келганча хизмат қилишдан иборат.

Дилшод ЮНУСОВ, "Эски жўва" деҳқон бо-

БАЙРАМОЛДИ

МЕЧКАЙЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИК БАЗМИ

Мамлакатимизда янги йил шукуҳи кезмоқда. Ранго-ранг чироқлар-у, турфа ўйинчоқлар билан безанган арчалар шаҳару қишлоқларимизга ўзгача чирой бағишламоқда. Ҳар лаҳзада янги йил руҳини ҳис қилиб яшамоқдамиз. Янги йил – сеҳрли байрам. Айниқса, болажонларнинг қувончи чек-чегара билмайди. Барчамиз – ёшу қари бу байрамни интиқлик билан кутамиз. Бутун мамлакат бўйлаб байрамолди савдо ярмаркалари ташкил этилади. Янги йил дастурхони учун турли ноз-неъматларни жамғаришни бошлаб юборганимизга бир ҳафтадан ошди.

“БАЙРАМ БОЛАЛАРНИКИ-ДА...”

Мадомики, гап янги йил байрами ҳақида экан, бир-икки мулоҳазаларни ўртага ташламоқчимиз.

Декабрь ойи бошланиши билан барчамизнинг руҳиятимизда, кайфиятимизда ўзгача бир кўтаринкилик пайдо бўлади. Гуё яқин кунларда содир бўладиган мўъжизани кутаётгандек бетоқат бўла бошлаймиз. Умр дафтаримизнинг 2016 йил саҳифасини ёпар эканмиз, келажакка умид билан қараймиз. Олдинда орзуларимиз каби олпоқ саҳифа – 2017 йил кутмоқда бизни. Гуё янги йил ҳаммаси бошқача бўладигандек. Бироқ ичимизда уйғонган бу жонсаракликни бекитишга ҳаракат қиламиз. “Янги йил болаларнинг байрамида энди...”, деймиз. Деймиз-у негадир улاردан кўпроқ ўзимиз хурсанд бўламиз.

Тўғри, янги йил ажойиб байрам. “Болалар бир яйрасин деймиз-да”, дея уюштираётган байрам базмларимиздан болалар бир четда қолиб кетмаётими? Байрам тантаналари ким кўп овқат ейишу ким кўп ичиш мусобақасига айланиб қолмаётими?

ҚАЙСИ МАҲСУЛОТЛАР НАРХИ ОШИШИ МУМКИН?

Негадир бизда тескари породоқс – кўплаб мамлакатларда байрамлар арафасида нархлар арзонлашса ёки катта фоизли чегирмалар ташкил этилса, бизда бунинг акси бўлади. Савдогарман деган борки, байрамлардан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Айниқса янги йил байрами арафасида нарх-наво осмонга чиқиб кетади Нега? Фикримизча, бунга ўзимиз сабабчимиз. Янги йил арафасида озиқ-овқат маҳсулотларига ширага ёпишган аридек ёпишамиз. Байрам фақат ейиш-ичишдан иборатдек гуё...

БОЗОРГА ЙЎЛ

Юртимиз деҳқон бозорларида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, полиз экинлари ва мевалар байрамолди ярмаркаларида анча арзон нархда сотилмоқда. Нархларнинг арзонлиги ва

маҳсулотнинг юқори сифати аҳолининг кайфиятини кўтараётир. Бироқ ҳамма ҳам бу ярмаркалардан хабардор бўлавермайди ёки билсалар ҳам бозорга боришдан эринибми, ёки бошқа сабаблар туфайли ўз уйи атрофидаги дўконларни афзал кўради. Бу ерда нарх-навонинг



меъёри бўлса-ку хўп-хўп, аммо юқоридаги ҳолатларга тушган харидорларнинг бу кундаги аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-чи.

“ОВҚАТЛАНИШ МАРОСИМИ”

Айрим пухтароқ харидорлар эса байрамдан бир неча кун илгари дастурхон учун баъзи эскирмайдиган маҳсулотларни харид қилиб қўйишни маъқул кўради. Балки уларнинг тутган йўли тўғридир. Айримлар эса бу байрамни гуёки овқатланиш маросимига айлантириб юборишади, ўзи битта қорин, лекин минг хил нарса сотиб олишади. Тўғри, байрам дастурхони тўкин бўлгани яхшидир балки, аммо овқатланиш тартибига мутлақо хилоф равишда турли егуликларни пала-партиш истеъмол қилиш оқибатида ҳар хил касалликлар келиб чиқиши мумкин. Албатта, бу кун бунақа нарсаларга аҳамият бермаймиз. Гуё кун бир кундек бир ойлик маошимизни бир кеча учун сарфлаб юборамиз.

ТИББИЙ ХУЛОСА: БАЙРАМДАН КЕЙИН...

Дилбар Зиёева, олий тоифали диетолог-шифокор:

– Оила даврасида, тўкин-сочин дастурхон атрофида ўтириш инсон-



нинг кайфиятини кўтаради, албатта. Бироқ нотўғри овқатланиш ошқозон-ичак касалликларининг зўрайишига сабаб бўлиши мумкин. Байрамдан кейин,

қила олмайдиганлар анча-мунча. Бироқ спиртли ичимлик байрамдан олдин ҳам, кейин ҳам ҳеч кимга фойда бермаган. Тўғри, биз ҳеч кимни ичманг, деб мажбур қилаётганимиз йўқ. Ҳар ким ўз ихтиёри билан ўзига маъқул нарсани танлайди. Лекин ҳамма нарса учун керак бўлган чиройли бир сўз бор – МЕЪЁР. Меъёрни сақлай билган одам ҳеч қачон ютқазмайди. Таклифимиз, хурмачага сиққунича ичинг.

Дилрабо ШАРИПОВА, шифокор:

– Европада «байрамона юрак» деган атама ишлатилади. Бу айнан, янги йил байрамидан кейин юракнинг хасталанишига нисбатан қўлланилади. Кузатишларга кўра, ҳар йили одатда, 1 январда



айниқса, ўт пуфағи ҳамда ошқозон ости беэи яллиғланиши хуружлари кўп кузатилади. Чунки, ошқозон ости беэи ёғли егуликлар ва пала-партиш овқатланишни ёқтирмайди. Таомдан заҳарланиш одатда 31 декабрдан кейин бошланади. Чунки миғдани янги йил дастурхонидан сўнг қолган-қутган озиқ-овқат маҳсулотларини бир ҳафтагача еб тугатолмайдиганлар ҳам топилади.

Фойдали маслаҳат

Демак, ҳар қанча байрам бўлса-да, овқатланиш қоидаларини унутмаслик фақат ўзингиз учун фойдадир. Янги йил кунни асосан, тез ҳазм бўлувчи озиқ-овқатларни ейишга ҳаракат қилинг. Бунга, энг аввало, салат ва қайнатилган ёки эзилган таомлар қиради. Узоқ ҳазм бўлувчи таомлар: қовурилган гўшт, тузланган, маринадланган, дудланган маҳсулотлардан эса ўзингизни тийганингиз маъқул.

“БАЙРАМОНА ЮРАК”

Байрамни алкоғолсиз тасаввур


ортиқча алкоғоль истеъмол туфайли миокард инфаркти, юрак огриғи, аритмия хуружлари билан жуда кўп беморлар шифокорга мурожаат қиладилар. Шунингдек, спиртли ичимлик жигар ва ошқозон ости беэи, хафақон ва бошқа ички аъзоларда пайдо бўлган турли муаммолар учун ҳам жуда катта зарбадир. Ичимлик қанчалик ўткир бўлса, организмга зарари ҳам шунчалик катта.

Биз ҳеч кимнинг байрам кайфиятини бузмоқчи эмасмиз, бу шунчаки бир мулоҳаза. Биз байрамларга бой, байрамларни яхши кўрадиган ва байрамларга муносиб халқимиз. Бироқ янги йил байрами айрим халқлардаги сингари мечкайлик ва ичкиликбозлик базмига айланиб кетишини истамаймиз. Бу бизнинг миллий табиатимизга ёт иллат. Нима дедингиз?

Умида ТУРСУНОВА

ЯРМАРКАЛАР

зори акционерлик жамияти директори биринчи ўринбосари, ярмаркалар ташкилотчиси:



– Байрамолди ярмаркаларига 80 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларини жалб этганмиз. Булардан “Parrandasanoatolding” уюшмаси, “O‘zdonmahsulot”, “O‘zpxattasanoatexport” холдинги, “O‘zvinasanoatolding”, “Toxtaniyoz ota”, “Тапҳо” каби йирик корхоналар ўз маҳсулотлари сотувини йўлга қўйган. Шунингдек, турли вилоятлардан келтирилган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари арзонлаштирилган нархда бозор расталаридан жой олган. Масалан, картошка – 1500-1900 сўмгача, сабзи – 800 сўм, тухум – 300 сўм, товуқ гўшти – килоси 13 минг сўм. Мол гўшти – 20 минг, қўй гўшти – 21 минг сўм. “FEENDO” қандалат маҳсулотлари ҳам ҳамёнбоп нархларда сотилмоқда. Бозор маъму-

риятининг асосий мақсади халққа арзон, сифатли маҳсулотлар етказилишини назорат қилишдан иборат.

Ярмарка 2017 йилнинг 5 январига қадар давом этади.

Ифтихор СИДДИҚОВ,
Латофат САЪДУЛЛАЕВА



МИЛОДИЙ ВА ҲИЖРИЙ ЙИЛЛАР

ёхуд янги йил кимнинг байрами?

Маълумки, тарих воқеаларини белгилаш, ўтаётган вақт ҳисобини аниқлаб ёзиш ва кейинги авлодга қолдириш учун йил, ой, кунларнинг ҳисоби тақвим шаклида қадимдан кенг истеъмол қилиб келинган. Аллоҳ таоло марҳамат қиладики:

«У Қуёшни зиё (таратувчи) ва Ойни нур (сочувчи) этган ҳамда йилларнинг ададини ва (вақт ва замонга доир) ҳисобни билишларингиз учун уни (Ойни) манзилларга (бўлиб) ўлчаб қўйган зотдир. Буни Аллоҳ фақат ҳақ (ҳикмат) билангина яратди. Билувчи қавм учун оятларни (У) батафсил баён қилур». (Юнус сураси, 5-оят). Қуръони каримда яна шундай дейилади:

«На Қуёш Ойга етиши мумкин ва на тун кундан ўзувчидир. (Қуёш, Ой ва юлдузларнинг) ҳар бири (бир) фалақда сузиб юридилар. Биз Ойни ҳам, токи у эски хурмо бутогидек бўлиб (эгилиб) қолгунича, манзилларга (ботадиган қилиб) ўлчаб қўйгандирмиз. Қуёш (тинмай) ўз қароргоҳи сари сайр қилур. Бу Азиз (қудратли) ва Алим (билимли зот)нинг ўлчовидир». (Ёсин сураси, 38-40-оятлар).

Аллоҳ таоло инсонларнинг намоз, рўза ва ҳаж каби ибодатларини ўз муддатига адо этишлари, сафар қилишда йўл топишлари учун қуёш, ой, юлдузларни маълум ўлчовга биноан ҳаракатли қилиб яратган.

Шу боис, қадим-қадимдан инсонлар йил ва ой ҳисобини чиқаришда турли усул ва манбалардан фойдаланиб келишган. Масалан, қадимги мисрликлар осмондаги Сириус юлдузининг кўринишини (ёки Нил дарёси тоша бошлашини), насроний олами милодий санани (яъни, Исо алайҳиссалом туғилишларини), мусулмонлар эса Пайғамбар алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага кўчишларини (ҳижрий сана) тақвим боши сифатида қўлаб келишган. Инсонлар осмон жисмларининг ҳаракатидан йил ва ой ҳисобини чиқариш учун махсус тақвимлар тузишган. Ҳозирги пайтда дунёнинг аксари мамлакатларида Григориан тақвими юритилса, Ислом мамлакатларида Григориан тақвими билан бир пайтда ҳижрий-қамарий тақвим ҳам муомалада.



Ҳижрий-қамарий тақвим Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Мадинага хижрати (кўчишлари)дан ҳисоблана бошлаган ва 622 йилнинг 16 июлидан амалга киритилган сана (йил) номи. У ҳижрий 17 (милодий 638) йилда халифа Умар ибн Хаттоб томонидан жорий этилган. Ҳижрий йил ой ва қуёш кунлари асосида олиб борилишига қараб ҳижрий-қамарий ва ҳижрий-шамсий деб юритилади. Ҳижрий-қамарий йил 354 кеча-кундуз бўлгани учун йилга 11 кундан орқада қолиб, ҳар 33 йилда ҳижрий-шамсий санадан бир йил кам бўлади.

Милодий йил деганда қуёшнинг чиқиб-ботиши билан ҳисобланадиган шамсий санани англамоғимиз керак. Мана шу қуёш нури йил давомида қачон кучаяди, қачон камаяди, шунга қараб, деҳқонлар баҳор, ёз, куз, қиш фаслларига эътибор бериб, ўз деҳқончиликларини қачон бошлаб, қачон йиғиштириб олиш лозимлигини белгилаб келадилар. Шамсий-милодий сана ҳисобидаги 12 ойни ҳар бир халқ ўз тилида номлаган. Масалан, биз кўпроқ

арабча, ўзбекча, русча номларини қўллаймиз: Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадей, Далв, Хут каби номлар халқимизга азалдан таниш. Январь, февраль, март, апрель, май, июнь, июль, август, сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь ойлари кенг истеъмолда экани ҳам барчага маълум.

Халқимиз орасида «Янги йилни кутиб олиш, байрам қилиш, бир-бирини табриклаш мусулмончиликка тўғри келмайди, у христианларнинг байрами», дегувчилар ҳам бор. Биз шундай ўйлайдиганларга яна бир бор эслатиб қўймоқчимизки, 1 январь шамсий-милодий сана билан йил ҳисобини юритувчи халқларнинг ҳаммаси учун йил боши сифатида қарши олинадиган кундир. Агар «Роджество» каби байрам бўлса эди, мусулмонлар учун у кунни байрам қилиш жоиз бўлмасди. Ваҳоланки, «Роджество» кунни 25 декабрь ёки 7 январга тўғри келади. 1 январни эса барча дунё халқлари қатори биз ҳам йилнинг янгиланиши сифатида кутиб оламиз ва бир йил давомида қўлга киритган ютуқ, камчиликларимизни сарҳисоб қилиб оламиз. Бироқ биз янги йилни мусулмонча эътиқод билан кутиб олишимиз, динимиз таълимоти бўйича ҳар бир кунни қарши олишда «Мана шу ёруғ кунга саломат етказганинга шукр», – деб Яратганга ҳамду санолар айтишимиз лозим.

«Баёнун линнос» номли китобда бу хусусда мусулмонлар учун анча кенглик борлиги қайд этилган. Далил сифатида «Рум» сурасининг 1-5 оятлари ва ҳадиси шарифлардан келтирилиб, икки ҳайитдан бошқа муҳим воқеа юз берган саналарни байрам қилиш ва байрамларни диний ҳамда дунёвий сабаблар муносабати билан нишонлаш дурустлиги зикр этилган.

Бинобарин, янги милодий-шамсий йилни диний байрам сифатида эмас, йилнинг янгиланиши, умримизга умр қўшилиши, эски йилда улгурмаган хайрли ишларимизни янги йилда қилиш учун яхши ниятлар билан кутиб олишимиз, ҳам ақдан, ҳам шаръан жоиз экан.

Раҳматуллоҳ САЙФУДИНОВ,
Тошкент Ислом институти ўқитувчиси

Ҳар бир миллат, элат ва дин вақилларининг ўзига хос байрамлари бор. Улар диний, муҳим санага бағишланган, урф-одатларига тааллуқли байрамлар сифатида таснивланади. Дунё бўйича оммавий тарзда нишонланадиган ана шундай байрамлардан бири «Янги йил»дир.

Янги йил – мелодий ҳисоб-китоб бўйича йил санасининг бошланишидир. Бу байрамни дунёнинг аксарият халқлари нишонлайди. Бу борада миллат, дин ва урф-одатлар ҳам аҳамият касб этмайди. Чунки, ҳозирда дунё миқёсида истеъмолда бўлган тақвим – мелодий тақвим десак, янглишмаган бўламиз. Биз янги йил ва унга тегишли баъзи бир маълумотлар, уни кутиб олиш, нишонлаш билан боғлиқ айрим тартиботлар тўғрисида бир оз сўз юритмоқчимиз.

Албатта, ҳар бир нарсанинг, хусусан, миллионлаб одамлар иштирок этадиган ва нишонладиган байрамларнинг ҳам ўзига яраша низоми, тартиби ва одоби бўлиши лозим. Ушбу байрамни ҳар бир халқ ўзларининг шарт-шароити ва урф-одатларига мувофиқ нишонлайди.

Масалан, баъзи бир миллатлар янги йилни кутиб олиш арафасида барча эски нарсалардан воз кечадилар, яъни, уйдаги ҳар хил жиҳозлар, идиш-товуқлар ва баъзи либосларни ташлаб юборади. Баъзилар эса янги йилда янги уй-жойга кўчиш, агар бунинг имконияти бўлмаса, яшаб турган уй-жойини янгидан таъмирлаш билан кутиб олади.

Айрим халқлар янги йилни ширинликлар тарқатиш ва уни истеъмол қилиш билан қаршилайди. Бошқа бирлари янги йилни ҳар хил


мусобақалар ўтказиш билан нишонлайдилар.

Кўпгина мамлакатларда эса янги йилни мушакбозлик билан кутиб олиш анъанага айланган. Бунинг натижасида ҳар йили байрам кечасида турли тан жароҳати олганлар ва ёнгинлар сони кўпаймоқда.

улардан кўз юмлади.

Шу кечаси бутун дунёда мисли кўрилмаган жиноятлар содир этилади. «Санта Клаус» ёки «Қорбобо» номи билан машҳур бўлган, шу кечанинг қаҳрамони никобида қанчадан-қанча қароқчилик, ўғрилик, бузқўчилик ва бошқа жиноятлар содир этилади. Соф

БАЙРАМНИ ҚАНДАЙ НИШОНЛАМОҚЧИСИЗ?



Янги йил кечасида барча зиёфат дастурхони атрофида йиғилиб, соат миллари ўн иккига бонг уришини интизорлик билан кутиб туради. Деярли ҳамманинг қўлида маст қилувчи ичимликлар билан тўлдирилган қадаҳлар бўлиб, уларнинг ҳар бири «яхши ниятлар, истак ва тилақлар билан» қадаҳ кўтардилар. Шу кечаси мазкур байрамни нишонлаётганлар учун кўнгиллари тусаган ҳар қандай ишни қилишга рухсат берилади гўё. Байрам кунни бўлгани боис бу ишларнинг ҳеч бири қораланмайди, назорат қилинмайди, балки: «Ҳа, энди байрам кунидир», дея

табиатли, ишонувчан ва мурғак қалб соҳиблари бўлмиш ёш болаларга ҳар хил совға-саломлар бериб: «Буни сенга қорбобо олиб келди», деб алдашлари ҳаммасидан ошиб тушади.

Маълумотларга кўра, шу кечанинг ўзида бир неча ойлар давомида келадиган беморлар сонидан икки-уч баробар кўп бемор шифохоналарга келтирилади.

Бундай нохуш ҳолатларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Энг асосийси, дунё миқёсида миллионлаб ёш болалар ва қаровчисини йўқотган кексалар очлик ва сувсизлик-

Дин ва оила

дан, иқтисодий етишмовчиликдан азият чекаётган бир пайтда, ривожланган мамлакатларда шу бир кечанинг ўзида миллиардлаб долларлик маблағ кўкка совурилади.

Ҳижрий-қамарий йил санаси бўйича янги йилни қандай кутиб олиш тўғрисида ҳам қисқагина маълумот бериб ўтамиз. Биз мусулмонлар Яратганининг буйруғига итоат этамиз.

Зотан, Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг. Ва фақат ҳусулмон ҳолингиздагина бу дунёдан ўтинг». (Оли Имрон, 102 – оят)

Демак, мусулмон киши ҳар бир лаҳзада ўзининг мусулмон эканини унутмаслиги ва бунга мувофиқ равишда, муносиб ҳаёт кечириши керак. Яъни, еб-ичиш, оила қуриш, дам олиш, меҳнат қилиш, бола-чақа орттириш, қўшничилик, қавму-қариндошлик, ота-онага муносабатда, миллат, юрт, Ватан ва динга бўлган муносабатда ана шу буйруқларга сўзсиз амал қилишимиз лозим.

Мусулмон киши мурувату саховатни, ёрдамга муҳтож бўлганларга кўмак қўлини чўзмоқликни айнан байрам кунларида янада кўпайтирмоғи, ҳар кунни касб этадиган савобли ишларига нисбатан байрам кунинда бир неча баробар кўпроқ эътиборли бўлмоғи талаб этилади. Зеро, ҳазрати Али розияллоху анху: «Қайси кунни бизларни ибодатимиз қабул бўлса, уша кун бизлар учун байрамдир», деганлар. Чунки, мўмин мусулмонлар учун бундан ортиқ байрам йўқ.

Исҳоқжон БЕҒМАТОВ,
Тошкент Ислом институти ўқитувчиси



ҚЎЙ ГЎШТИДАН ШАРҚОНА ТАОМ

Керакли масалликлар: 600 гр қўй гўшти, яримта лимон, 1 дона пиёз, 10 дона черри помидори, 2 дона саримсоқ бўлакчаси, 5 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 1 чой қошиқ зира, 1 боғдан кашничи, шивит, петрушка, таъбга кўра туз.

Тайёрланиши: Сабзи қирғичнинг майда тишдан ўтказилади. Пиёз йириқроқ қилиб тўғралади. Лимон пўсти билан бўлақларга бўлинади.


Ушбу таом учун гўштни бироз мулатгичга қўйишга тўғри келади. Чунки қўй гўшти юпқа, ўткир пичоқда кесилиши керак. Гўшт ингичка сомонча шаклида тўғралади. Товада қизган ўсимлик ёғида помидорлар ва бир нечта кесилган саримсоқ бўлақчалари қовурилади. Бироздан сўнг, лимон, сабзи ва пиёз қўшилади. Зира солинади. Тезда гўшт ҳам аралаштирилади ва тузи ростланади. Қопқоғи ёпилгач, ўртача оловда ярим соат пиширилади. Сўнг қопқоғи очилади ва яна бир неча дақиқага суви бўғлиб кетиши учун баянд оловга қўйилади. Тайёр таомга тўғралаб кўкатлар солинади. Иссиқ ҳолатида дастурхонга тортилади. Агар иссиқ това ўралган ҳолатда яна бироз турса, таом янада мазали чиқади. Ана шунда барча масалликлар бир-бирига янада бириктириб, таъми ва ҳиди уйғунлашади. Ёқимли иштаҳа!



ДАМА ПИРОГИ

Керакли масалликлар: 6 пиёла ун, 2 та маргарин, 6 та тухум, 200 гр. "Шедрое лето" сариеғи, 2 пиёла шакар, 1 та қуюлтирилган сут. Ўмшатовчи (разрыхитель), сода, уккус, глазурь ёки шоколад.

Тайёрланиши: 2 та маргарин қирғичдан чиқарилиб, 6 пиёла ун билан яхшилаб аралаштирилади. 6 та тухум саригига разрыхитель, сода ва уккус солиб, қаттиқроқ хамир қорилиди. Хамирни иккига бўлиб, ярмига ярим пиёла какао қўшилади. Оқ ва какаоли хамирлардан 3 тадан зувалачалар ясалиб, музхонага 2 соатга қўйилади. Газ печи патнисига ағдарилади. Сўнг озгина ун селиб, оқ хамир зувалачалари ҳаммаси қирғичдан чиқарилади. Тайёр бизени ярми духовкадаги қирғичдан ўтказилган хамир устига суртилади. Бизенинг қолган массасига какао аралаштириб, шоколадли крем тайёрланади ва устига қўйилади.



Креми: 1 та "Шедрое лето" ва 1 та қайнатиб қуюлтирилган сут (варенний молоко) аралаштирилади. Орасига крем суртиб, усти шоколад ёки глазурь билан безатилади.

Тортиқ

САЛАТ

Керакли масалликлар: 3 та баклажон, 3 та қизил ва кўк булғор қалампери, 4 дона бодринг, 5 та помидор, бир боғ ўкроп, туз, соя, 1 қошиқ майдаланган гармдори.

Тайёрланиши: Ушбу сабзавотлар ҳаммаси сомонча шаклда тўғралади. Аввал баклажон, кейин бирин-кетин қолган маҳсулотлар ҳам товага солиниб, ўрта оловда қовурилади. Сўнг соя, туз, гармдори солиниб, аралаштирилади. Мазали салат дастурхонингиз кўркига янада кўрк қўшиши шубҳасиз.

Латофат тайёрлади.



ЯНГИ ЙИЛ ОМАДЛИ КЕЛИШИНИ ИСТАСАНГИЗ...

Янги йил омад ва бахт келтириши учун олдимизга аниқ мақсадлар қўйганимиз маъқул. Янги йил байрамими ўзига хос тарзда қутиб олиб, йил бўйи кўтаринки кайфият ва бахтли бўлишингиз учун асқотадиган айрим тавсияларни беришни лозим топдик. Ажаб эмас, тавсияларимиз ҳаётингизга янада ёрқин тус берса...

Шундай қилиб, янги йил арафасида аввало,

ҚАРЗЛАРНИ УЗИШ

Албатта, янги йил олдида қарзлардан қутулиш мақсадга мувофиқ. Ҳеч бўлмаганида асосийларидан, ёки бўлмаса бир қисмидан...

ТАШҚИ КЎРИНИШНИ ЎЗГАРТИРИШ

Ташқи кўринишни ўзгартириш ички дунёингиз ўзгаришига олиб келади. Соч турмагингизни ўзгартиринг, аввал, сочингиз рангини ўзгартиришга журъат қила олмаган бўлсангиз, ҳозир айна мудао. Кўзойнакни линзаларга алмаштиринг. Гўзаллик салонига бориш, бу албатта, қилиниши керак бўлган ишлардан бири.

СОВҒАЛАР ХАРИД ҚИЛИШ

Совғаларингиз гамини олдиндан кўриб қўйинг. Янги йил шуқуҳи уфуриши учун уларни ёрқин



байрамона қоғозларга ўрашиб олинг.

ХАФАГАРЧИЛИКЛАРНИ УНУТИШ

Кўнгилсизлик ва кек, хафагарчиликни унутинг. Янги йилга ғам-андуҳсиз ва гина-кудуратсиз ўтинг!

ХОРДИҚ



Қишки таътилни қандай ва қаерда ўтказиш режасини тузиб қўйинг. Балки табиат қўйнида қиш манзарасидан бахраманд бўлган ҳолда ўтказишни истарсиз, балки конькиларда учини ёки бўлмаса уйда қолишни хоҳларсиз? Сизга аввалдан тузилган аниқ дастур керак бўлади.

ЯНГИ ЙИЛ ЛИБОСИ

Байрамда гўзал, мафтункор ва жозибали кўриниш учун янги либос харид қилиш ёки агар чевар бўлсангиз, ўз қўлларингиз ва меҳрмуҳаббатингиз билан ўзингиз ва оила аъзоларингизга янги кийим

тикинг. Бу албатта, ўзига хос байрам кайфияти улашади.

КЕРАКСИЗ НАРСАЛАРДАН ХАЛОС БЎЛИШ

Бу ишни гардеробингиздан бошласангиз маъқулроқ. Кийилмайдиган, аммо ҳали янги либосингизни эҳтиёжмандларга тарқатинг. Ишлатилмайдиган ёки яроқсиз нарсаларни сақлашинг нафи йўқ. Янги йилда бундай буюм ва анжомлар ўрнини янгиларига бўшатиб бериш имкони бор.

ЯХШИЛИК ҚИЛИШ!

Бемор ётган танишларингиз, қўли қисқароқ қариндош-уруғларингиз бўлса, уларнинг ҳолидан хабар олишни унутманг. Қўни-қўшилларга эътиборлироқ бўлинг. Янги йил меҳр-мурувват байрами ҳамдир.

ЯҚИН ИНСОНЛАР ҚАДРИ

Кундалик турмуш ташвишлари ва жұшқин ҳаёт тарзи кўп ҳолларда яқинларимиз, ота-оналаримиздан узоқлаштиради. Шу сабабли яқинлар билан биргаликда байрамни хуш кайфиятда, шинам бир муҳитда ўтказишга



ҳаракат қилинг.

ЯХШИ НИЯТ ҚИЛИНГ!

Байрам кўни фақат яхши ниятлар



қилинг. Мухими, ниятни шунчаки эмас, аксинча, рўёбга чиқишига астойдил ишониб, чин ихлос билан қилинг! Қўнглингизни очинг ва бахтиёр бўлинг.

ГЎЗАЛ ВА ЛАТОФАТЛИ БЎЛИНГ!

Байрам янада унутилмас ва хуш таассуротларга бой бўлиши учун, пардозга аҳамият беринг. Унутманг, табиийлик ва меъёр ҳар бир аёлнинг хусн-малоҳати. Байрам арафасида дўстларингиз билан учрашинг, хиссиётларингиз, кечинмаларингизни яқинингиз билан бўлишига интилинг. Атрофдагиларга миннатдорлик билдиринг, самимий муҳаббат изҳор қилинг. Бу билан муносабатларни янада мустаҳкамлаш имконига эга бўласиз.

ШИРИНХОН тайёрлади.

Oila va Jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета
Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди
Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темуր кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3642. Баҳоси келишилган нарҳда.
Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Навбатчи муҳаррир: Н. Нуриддинова
Навбатчи: Ш. Мўминова
Мусахҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ISSN 2010-7609
9 772010 760007
1 2 3 4 5